



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СССР ЎЗБЕКИСТОН


ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 145 (13.407).
29 ИЮНЬ
1966 йил
ЧОРШАБ
Баҳоси 2 тийин.

ПЛАНГА ҚЎШИМЧА МАҲСУЛОТ

Янгийул пахта тозалаш заводи коллективни бир неча кундан буюн июль ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Корхонада янги йиллик маҳсулот тайёрлаш топшириғи 23 июнда, тола тайёрлаш плани 24 июнда ортиқ билан ба- жаририлган эди. Пахта тозаловчилар ярим йиллик топшириққа қўшимча равишда 50 минг сўмлик, шу жумладан 710 тонна тола ишлаб чиқарадилар.



М. ИБРОХИМОВ ФОТОСИ.

Низоманган районидан Димит- ров номин колхоз деҳқонла- ри гўза парваришини кун сайин кучайтирмоқдалар. Суратда: бри- гада даласида гўзани култивация қилиш пайти.

ТЕРИМ МАШИНАЛАРИГА— КЕНГ ЙЎЛ!

Тошкент область Янгийул районидаги
«Интернационал» колхозининг машина теримига
тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлари

Пахтачилар бошқа деҳқончи- лика қараганда анча мураккаб ва нозик. Лекин ўз ишига меҳр қўйган, партия ва ҳукуматимиз- нинг катта ёрдами ва ғамхўр- ликлари билан тобора руҳланиб- ган пахтакорларимиз ҳосил етиштиришнинг энг қийин «сир»ларини ҳам ўрганиб, ўз- лаштириб олмақдалар. Бунда комплекс механизациялаш, аг- ротехниканинг прогрессив усул- ларини кенг қўлланниш, илгор тажрибаларни оммалаштириш катта роль ўйнамоқда.

Пахтанинг янги ҳосили ва ериш ҳосилдорлиғи ҳар йили ошиб бормоқда. Теримчи куч- лар эса, ҳар ерда, ҳар бир ҳў- жаликда ҳисобли. Шунинг назар- га олганда пахта теримини кўп- роқ машиналар гарданга юк- лаш ниҳоятда зарурдир. Бироқ, энг кўп меҳнат талаб қиладиган йиллик-терим ишларини ме- ханизациялаш қонирлиги амал- та оширилади, деб бўлмайди. Ўтган ва ундан илгариги йил- ларни олиб кўрайлик. Тўғри, бу йилларда аввалларга қара- ганда машиналар билан кўпроқ пахта териб олинди. Шундай бўлса ҳам республикамиздаги мавжуд агрегатлар ва механиз- атор кадрларга нисбатан бу миқдор ҳали жуда оз, деб ҳи- соблаймиз.

Машина теримининг қўнғил- дагидек бўлмаётганига ҳар хил сабабларни пеш қилишди. Кўп ҳамакасизларимиз теримга аз- валдан яхши тайёргарлик кў- ринмайди-да, кузга бораганда «машина ундок, дефолиация му- нок» деб ҳар хил баҳона қи- ларишди. Бизнингча, бу тўғри эмас. Агар машина теримига ил бошидан пухта ҳозирлик қилсак, ери тайёрлаш, экиш, гўзани парвариш қилиш давр- ларида агротехника қондалари- га қаттиқ риоя қилинса, ҳамма жойда ҳам ҳосилнинг асосий қисминини агрегатлар билан кўри- дан тўқши мумкин.

Биз ўтган йил умумий пах- та ҳосилнинг 65 процентини машиналарда териб олдик. Бу йил 85 процент ҳосилни агре- гатлар билан териб олиш мум- кин. Бунинг уйдасидан чиқа- миз. Чунки, ана шундай қили- шимиз зарурлигини турмуш, тажриба талаб этмоқда. Буни партия, ҳукумат талаб этмоқда. Ҳўжалигимизда 1200 гектар пахта майдони бор. Бундан та- шқари 100 гектар шол, 125 гек- тар беда, 80 гектар маъжуф- то, 150 гектар арпа, 100 гектар буғдой, 20 гектар сабзавот майдонларига эгами. Яна, ҳар хил фермаларда қанчалар-қан- ча чорва молларни боқамиз. Шунча ишларга нисбатан иш- чи кучларимиз жуда оз. Меҳ- натга яроқли кишиларнинг ҳам- масини ҳисобга олганда пахта- чиликка энг кўп деганда 450 киши ажратамиз. Ҳар бир иш- чи кучига 3 гектардан ортиқ- роқ, нарядсиз ишлайдиган зе- нонларда эса 5 гектарга яқин пахта майдони тўғри келади. Бордию, комплекс механизация- борига эъри бермасак, етиштири- лган ҳосилнинг асосий қисминини машинада териб оласан нима бўлади. Ҳўзидан маълумки, йилги-теримда қаттиқ қийинчи- ликларга дуч келинади. Терим

ҲОСИЛНИНГ 85 ПРОЦЕНТИ МАШИНАЛАРДА ТЕРИЛАДИ. ДЕФОЛИЦИЯ ВА ТЕРИМГА ЎТГАН ЙИЛДАГИДАН БИР ҲАФТА ИЛГАРИ
КИРИШЛАДИ. ҲАР БИР АГРЕГАТ БИЛАН ЎРТАЧА 75 ТОННА ПАХТА ТЕРИБ ОЛИНАДИ. ҲАММА ЭКИН МАЙДОНИ СИФАТЛИ ШУДГОРЛАБ ҚЎЙЛАДИ.

муддати қўзғилиб кетади. Кузги шудгор барбод бўлади. Ҳашар- чилар кўп талаб қилиниши, пахта қўлда терилиши натижа- сида маҳсулотнинг таннари қимматга тушади ва кўп қисми ноубуд бўлади.

Биз ўтган йили теримни кенг механизациялаш тўғрисида ҳи- солни эрта муддатларда йиғиш- тириб олдик. Ерларнинг ҳамма- сини сифатли шудгорлаб қўй- дик.

Республикамизнинг аниқгина ҳўжаликларига машина тери- ми плани бажарилаётганига биз қаттиқ афсусланамиз. Бун- дан ахвол ўша ҳўжалик тур- ган районга, областга, респу- бликага ёмон таъсир қилмоқда. Агар ҳамма ерда ҳосил етишти- ришнинг бошидан тортиб охи- ригача механизациялаш қўзда тутилса, ҳеч бўлмай бўлади. Ҳар бир ҳўжаликда тегизли- терим машинаси бор, кадр- лар ҳам топилди. Бутун гап шундаки, машина теримини қўзғаб иш тутилмайди. Бўлса бўлар кайфиятга зарба бериш- майди. Эндилликда бу ҳолга то- қат қилиш мумкин эмас.

Бу йил республикамизда 1 миллион 175 минг тонна пахта машиналарда терилиши керак. Бора-бора ҳосилнинг асосий қисми машиналар гарданга юк- латилади. Шундай экан, нима қилиш керак? Бу ҳақда илгор- лар тажрибасидан кенг фойда- ланиш, янги ташаббусларни қўллан-қувватлаш, бир-бирга ўргатиш ва ўрганиш лозим бў- лади. Ана шу нуқтага назар- дан қараб, биз бу йил машина теримини қандай ўтказоқчимиз эканлигимизни, қандай тадбир- лар қўраётганимизни айтиб бермоқчимиз.

Колхозимиз планга мувофиқ Ҳар гектар ердан 25 центнердан — жами 3000 тонна пахта етиштириши керак. Лекин биз 26 центнердан пахта топ- ширамиз деб мажбурият олган- миз. Бултур 26,2 центнердан пахта берганмиз. Гўзаларнинг аҳоли бутултиридан анча яхши. Агар гўза парваришини бў- шатишмасак, мажбуриятда қўрсатилганидан анча кўпроқ пахта етиштиришимиз, яъни ҳосилни 300-400 тонна ошири- шимиз мумкин. 40 та терим ма- шинамиз бор. Бир агрегатга 75 тоннадан тўғри келади. Ўт- ган йилги механизациялаш ва комплекс зверо бошқаруши Умаров Бухорбоев, Алондин Умаров, Абдурауф Қосимов, Ямаков Зулав, Ҳолбе Тур- сумбоев набилир 100 тонна ва ундан ошириб пахта тердилар. Ўнг оз пахта терган механик- ҳайдовчининг тоннаси 50 дан кам бўлмади. Биз ана шуларни ҳисобга олиб, 85 процент ҳосил- ни албатта машина билан те- риб оламиз деган қаттиқ ишончдамиз.

Фақат ишонини ва мажбурият олиш билан иш битмайди. Ўнг муҳими, машина теримига пух- та тайёргарлик кўриш керак. Карталаримиз текис, ҳар бири

4 гектардан 40 гектаргача кат- таликда — машина теримига боп. Шу карталарнинг ҳамма- сида машина равон юриши ва унумли ишлаши учун экиш вақтида уларни яхшилаб текис- ладик. Қатор ораларининг тўғри чиқиши учун курашдик.

Машинанинг яхши ишлашида гўзаларнинг нормадагидек ўс- тирилиши жуда муҳимдир. Гў- занинг бўйи жуда паст ҳам, жуда баланд ҳам бўлмаслиғи керак. Бизнинг шароитимизда гўза 80-95 сантиметр баланд- лиқда ўса кўпга кўп ҳосил олади ва машина теримига қулай бўлади. Гўзани ўстириб юбормаслик учун бутун вегета- ция даврида муҳим агротехни- ка тадбирларини амалга оши- райтиримиз. Шу кунгача гўза- ларимиз узунаси ва кўндалан- гича уч марта култивация қи- лindi, иккинчи марта озиклан- тириш кетаётди. Бултур 17 июнда гул қўрсатган бўлса, бу йил 15 июнда гулга кирди.

Ҳар бир тўп гўзадан ўртача 7-8 шох бор. Гўзанинг бундан буюнги ўсшини диққат билан кузатиб борамиз. Ҳозир июн- ининг охири. Планга мувофиқ Ҳар гектар ерга парвариш дав- рига 400 килограмм фосфорит, 100 килограмм калийли, 450 килограмм азотли ўғитни уч марта бўлиб солишимиз керак. Ўғитлашни 1 июлгача тугал- лашни мўлжалламоқдамиз. Кей- ин бу ерларга фақат фосфор- лит ўғит солишим. 5 июлдан бошлаб ҳамма гўзага «шарбат» оқиша бошлаймиз. Ҳар бир кар- тадаги гўзани текшириб бора- миз. Агар нормадагидан ортиқ- роқ ўсиб кетадиган бўлса, 14-16 шох шох олиши билан вақтга қараб ўғитмай машина- да теканика қилишим. Чилиши- вақтида айрим тўпларнинг ан- чалик қисминини учдан қирқиб ташлаймиз. Экиннинг ортиқча ў- стириб юбормаслигини яна бир йил култивациянинг тўх- татмаслиқидир. Хоразмликлар чақирғин асосида то ҳосил очилгунча култивацияни тўх- татмаймиз.

Ҳамма ерда бўлганидек, биз- нинг колхоз шароитида ҳам суғориш катта аҳамиятга эга. Сизот сувлари яқин бўлган биз- нинг ерларимизда суғоришни аўтматик билан ўтказмаска бўлмайди. Биз бошқа ҳўжа- ликларга қараганда суғоришни эртароқ тўхтатамиз. Ўнг охи- рги карталарга 25 августда сув таралади.

Шу кунларда терим машина- лари умумлаштирилган, уста- хонада ремонт қилинаётди. Ол- динги машиналар ремонтдан чиқ- қипти. 20 августгача ҳамма терим машинасини тахт қила- миз. Ремонтнинг сифати усти- дан контроллини правление раисининг механизация бўйича ўринбосари олиб бормоқда. Ма- шиналар ремонтдан чиқариб бўлгангач колхоз правление аъзоларидан, партия комите-

тидан вакиллар белгиланиб, улар мутахассислар ва ме- ханизаторлар қатнашишида ма- шиналарни кўридан ўтказадилар. Кам-қўстарли аниқлашди, ўн кун ичида тўзатилади. 1 сен- тябрь кунини агрегатлар дала шийонларига — картанинг ёни- га олиб бориб қўйлади.

Машина теримининг муваф- фақияти гўза барглариини нор- мадаги дориворлар селиб, ўз вақтида тўқатиришга боғлиқ. Бу- сиз машина теримига муваф- фақиятга эришиб бўлмайди. Тажрибалир шунини қўрсатди- ки, қасрда гўза барги сифатли тўқ- тирилмаган бўлса, ўша ерда аг- регатлар оқсайди, айниқса, ме- ханик-ҳайдовчининг кўп вақти машинани тўзатиш билан ўтади. Бундай жойда агрегатлар билан пахта териш планини бажариш қийин. Биз дефолиация катта эътибор берамиз. Бултур кўза баргини тўқатириш учун дори септиришни 3 сентябрда бош- лад. 10-12 сентябрда машина теримига киришган эдик. Бу йил 20 августда пахта очила бош- лад. 25-27 августдан, яъни ўтган йилгидан бир ҳафта илгари дефолиацияга киришамиз. Бунгача 45-50 процент қўса- нинг пахтаи очилган бўлади. Фақат енгил химикат — бую- фосини ишлатамиз. Бу доривор ҳосилга зарар етказмайди. Ҳар гектарга 1,5-1,6 килограмм ми- қдорда самолётда пуркалади.

Дефолиация вақтида агроном- ларимиз, химизаторларимиз да- лада бўлишди. Беш агроном дориворининг нормасини, само- лётнинг ҳаракатини доим куза- тиш туради. Дори сепишни фа- қат учувчиларнинг ўзига топши- риш қўймаймиз: самолётнинг до- ри пуркаги аппаратурини ҳар кў- нинида текширашим. Дорининг таъсири уч кунда билинади. Агар бағгга таъсир қилмаган бўлса, дўртинчи кунгек иккин- чи марта сепилади.

Кўп жойларда учувчилар кар- талар билан яхши таништири- ламиз. Сигнализация тажриба- сиз кишилардан қўйилади. Бу- нинг натижасида бир майдонга дори кўп, иккинчи майдонга кам сепилиб, гўза барглари ола- була тўқатирилади. Бу эса ма- шина теримига жуда ёмон таъ- сир етказди. Биз бу жиддий ком- чиликка сира йўл қўймаймиз.

Учувчи дефолиацияда 1,2 кун илгари устакларини та- ништираимиз. Унга далаларнинг қисқача характеристикасини бе- римиз. Шундан кейин у биз берган схемалга қараб, ҳарога кўтарилади, пуркаган, дорига мўлжалдаги гўзаларга бориб ту- шади. Химизаторларимиз сиг- нализацияга самолёт ҳар бир учиб қўйишида қўрсатма бериб турадилар.

Дефолиациядан кейин 7-8 кун ўтгача гўзаларнинг барглари тўқ- қилиб, машина киритишга им- кон туғилади. Бу вақтда 65-70 процент қўсақ очилган бўлади. Шу ҳисобдан биз бу йил узоғи билан 3-4 сентябрдан машина теримига тушамиз. Бу муддат ўтган йилдагидан 7-8 кун ол- диндир.

Терим машинаси жуда нозик меҳнат. Уни ахтирлиқ билан ишлатмасангиз, қиммат баҳо машина сал кунда ишдан чиқиб қолади. Демак уни доим ҳа- ркат қилириб туриш керак. Те- рим машинаси уни автоматиза- сия эмас. У йўл талайди. Агар ўқаринг яхши бораётганини ҳи- собга олиб, бу йил машина те- римини 25 кунда тугаллаш мўлжалламоқдамиз. Иккинчи теримдан кейин кўрэк теримга тушиб, узоғи билан бир ой ичи- да ҳамма ҳосилни йиғиб-териб

Зомин фанат Сирдарё области- нингига эмас, балки республи- камизнинг ҳам энг йирини галларон районларидан бири. Район галла- ролари бу йил қарийб 106 минг гектар майдонда мўл ҳосил етиш- тирдилар. Кўтарилаётган ҳирмон мўтилланидан ҳам зиёда бўлмоқ- да. Ҳар гектар ердан пландаги 7,4 ўринга ўрта ҳисобда 9,5 центнер- дан дон олинляпти.

Галлароларимиз ўрим-йиғим бошланган дастлабни кунданок илгорлигини эғаллашга ҳаранат қилдилар. Мана, иккин беш кун- лардан буюн Ўзбекистон Компар- тияси Марказий Комитети, Ўзбе- кистон ССР Олий Совети Прези- дини ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини улар 93 кўларига маҳкам ушлаб келмоқ- далар.

Ҳозиргача район ҳўжаликлари- да 69 минг гектардан ортиқ еки барча майдоннинг 65,5 процентин- даги ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Да- лада 300 комбайн унумли ишлаб турбиди. Улар билан ҳар кун 2700-3000 гектар майдондаги ҳосил ўрилмоқда. Бу — ҳар бир ком- байнга ҳисоблаганда ўрта ҳисоб- да 9-10 гектарданга тўғри келади.

Район галларолари етти йил- ларнинг биринчи йилида 78 минг 940 тонна дон етиштириш ва дав- латга 38400 тонна дон сотиш ҳа- қида сўз бериш эдилар. Ҳозир- нинг ўзидек ўрилган майдондан қарийб 66000 тонна дон олинди. Давлатга 38600 тонна дон топши- рилди ва план ошириб адо этил-

ди. Шунингдек, район ҳўжалик- ларида ҳозиргача 8100 тонна уруғ- лар жамғарилиб, бу соҳадаги топ- ширини ҳам тезроқ бажариш чо- ралари кўриляпти.

Республикамизнинг гигант галла- нор ҳўжалиғи ҳисобланган «Удар- ник» совхозининг коллективи 24440 гектар майдонда ўрим-йиғим ишларини деярли тугаллади. Ҳо- зирнинг ўзидек пландаги 18805 ўринга қарийб 20000 тонна дон етиштирди. Давлатга 10913 тонна дон сотиб, планни 145,5 процент адо этди. Бу ерда пландаги 2866 ўринга 3200 тонна сара уруғлиқ тайёрлаб қўйилди.

«Қизил чорвадор» совхозига ҳам ўрим-йиғим ишлари юксак суръат- лар билан давом эттириляпти. Совхоз галларолари 12000 гектар- дан ортиқ ердаги галларни ўриб олишди. Давлатга 8781 тонна дон топшириб, планни қарийб 160 процент адо этишди. Улар давлат- га сотиладиган дон миқдорини 11000 тоннага етказиб, планни ик- ки баравар ошириб бажариш ҳа- қида сўз беришди.

Пешкадмалар қаторида бораёт- ган «Зомин» совхозига 19329 гектар майдондан 11172 гектар

майдондаги ҳосил ўриб-йиғиб олинди ва давлатга 7789 тонна дон топширилиб, план 104 процентдан ортиқ адо этилди. Шу совхознинг олий маълумоти агроном комму- нист Эшпўлат Қурбонов бошлиқ бўлимида ҳозиргача ўрилган 6500 гектар майдоннинг ҳар гектари- дан пландаги 6,5 ўринга 11,6 цент- нердан дон янчили. «Ударник» совхозининг коммунист Жумабой Мирзев бошлиқ бўлими 3950 гектар майдонда ўрим-йиғим иш- ларини ҳаммадан олдин тугалла- ди. Бу бўлим ҳар гектар ердан 14,5 центнердан ҳосил олиб, рай- онда энг юқори кўрсаткичга эришди. «Қизил чорвадор» совхо- зининг коммунист Мирза Қосимов бошлиқ бўлими ҳам пешқадамлар қаторида борляпти. Юқорида ми- солга келтирилган ва бошқа ил- гори илгор бўлимларнинг колле- ктивлари дон етиштириш ва дав- латга сотиш планларини анча ошириб адо этишди.

Ҳалла ўрим-йиғими ҳақида гап бораганида азамат комбайнчилар- нинг гайрат ва ташаббусини ало- ҳида таъкидламай бўлмайди.

Ҳосил ўрим-йиғими қизгин да- вом этапти. КПСС XXIII съезди қарорларини амалга ошириш учун изчиллик билан курашаётган рай- он галларолари ҳосил ўрим-йи- гини яқин кунлар ичида тугал- лаш ва давлатга пландан ташқари 20.000 тонна — ҳаммаси бўлиб 58 минг тонна дон сотиш мажбури- ятини олдидлар. Бу юксак мажбу- рият ҳам шароф билан бажарилади.

Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН Н. В. ПОДГОРНИЙ ҚОЗОҒИСТОНДА

ОЛМАОТА, 27 июн. (ТАСС). Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг беш секретари Л. И. Брежнев билан СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бир неча кун Қозоғистонда бўл- дилар. Улар республика пойтахти- нинг янги қишлоқ ишчилари билан қи- зикдилар, Олмаота областидаги экинларнинг аҳоли билан таниш- ишб чққдилар.

Қозоғистон Компартияси Мар- казий Комитетига республикадаги ишларнинг аҳоли тўғрисида Қо- зогистон КП Марказий Комитети- нинг бюро аъзолари билан суҳ- батлашиб олинди.

Л. И. Брежнев билан Н. В. Под- горний Қозогистон пойтахтида бўлганларидан кейин Кустанай областига бориб, у ерда Кустанай области қишлоқ ҳўжалик тажриба станциясининг далаварини, Кустан- ай ва Урицкий районларидagi «Силантеевский», «Сорочинский», «Лермонтов» номи, Докучаев но- ми, «Казантеевский», «Краснопарти- зановский» совхозларининг дала- ларини кўздан кечиридилар. Ҳўжа- ликчиларни рақобатлари, мутахас- сислари ва механизаторлари бил- лан суҳбатлашди, деҳқончилик маданиятини ошириш, ёввойи ўт- ларни йўқотмок учун экинйиғи- восталардан фойдаланиш, уруғ- чиликни ташкил этиш, техникани ва механизаторларнинг ўрим- йиғимга тайёрлаш соҳасида бу ерда амалга оширилаётган тад- бирларни, қишлоқ меҳнатлаш- ларига маъийиш ва маданий хизмат кўрсатиш қандай бўлаётганини қизиқиб сурштиридилар.

Л. И. Брежнев билан Н. В. Под- горний Рудний шаҳрига бори- лар, Соколов—Сарбой руда сар- лаш комбинатида бўлидилар, руда конларини, окатишлар фабрикаси- нинг кўздан кечиридилар. Мамлакат кон қазичи саънатининг ана шу энг йирини корхонасидаги ишчи- лар, инженер ва техниклар бил- лан учрашувлар бўлиб ўтди.

Л. И. Брежнев билан Н. В. Под- горнийнинг сафарига КПСС Мар- казий Комитети Сийёсий Бюроси аълолигига кандидат, Қозогистон Компартияси Марказий Комитети- нинг биринчи секретари Д. А. Куняев ҳамда Кустанай область партия комитетининг биринчи секретари А. М. Бородин ва об- ласти ижроси комитетининг раиси М. Г. Мотриков уларга ҳамроҳ бўлиб юрдилар.

КИЕВДА САМИИЙ УЧРАШУВЛАР

КИЕВ, 28 июн. (ТАСС). Киевликлар бугун СССР Ми- нистрлар Совети Раиси А. Н. Косигин билан бирга Совет Ура- нисини пойтахти бўйлаб саҳафат қилган Франция Президенти ге- нерал Шарль де Голльи шоду ҳуррамлик билан самийий тад- бирландилар.

Шаҳар аҳолиси ҳамма жойда француз халқига ўзининг ўқсо- на тўғрисидаги изҳор қилди.

Механизатор Украина ССР халқ ҳўжалигида илгор тажри- ба виставкасини бориб кўрди- лар.

ШАРЛЬ ДЕ ГОЛЛЬ ВОЛГОГРАДДА

КИЕВ, 28 июн. (ТАСС). Франция Президенти генерал Шарль де Голль бугун Киев- дан Волгоградга жўнаб кетди. СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин у билан бирга бормоқда.

Борисполь аэродромда ҳур- матли меҳмонни тантанали ва айин маҳалда самийий кузатиб қилиш маросими бўлди. Д. С. Коростович қисқача нутқ эс- лаб, генерал Шарль де Голль- га ва унинг ҳамроҳларига сўхат- саломатлик ва оқ йўл тилади. Сўнгра Франция Президенти нутқ эсладди.

Генерал Шарль де Голль Кие- вда ўзининг самийий кўтуб олинганлиғи учун миннатдор- чилик билдириди.

Хурматли меҳмон шу кунгек Волгоградга етиб келди.

БМТ БОШ СЕКРЕТАРИ У ТАН МОСКВАГА КЕЛАДИ

СССР ҳукуматининг тақлифига биноан, БМТ Бош секретари У Тан Москвага келиб, 1966 йил 25 июл- дан 28 июлгача шу ерда бўлади.

ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНИКА СОҲАСИДА ЛЕНИН МУКОФОТЛАРИ КОМИТЕТИДА

Фан ва техника соҳасидан Ленин мунофотлари комитети 1967 йилги Ленин мукофотла- ри олиш учун асарлар қабул қилмоқда.

Асарларни топширишнинг охириги муддати — 1966 йил 15 октябрь.

1966 йил 15 октябрдан ке- йин комитетга тақдим этилган

ишларнинг ҳаммаси шундан кейинги сессияда 1968 йилги Ленин мукофотлари олишга тақ- дим этилган асарлар билан бир- га қараб чиқилади.

Шу муносабат билан фан ва техника соҳасидан Ленин му- кофотлари комитети ташкилот- лар, муассасаларнинг раҳбар- ларига ва илмий-техника жа-

моатчилигига мурожаат қилиб, асарларни яқин орада жамоат- чилик ўргатсанда кенг муҳокама қила бошлашни ва энг муҳим асарларни ва уларнинг автор- лар коллективини тақдим этиш- ни ҳамма барча материаллар расмийлаштиришчи биланок уларни комитетга юборишни ил- тимос қилади.





Тоҳир ака бир оз юриб яна тухтади. Тўрттинчи навбатини балқондида Унгилчас билан у ёқ-бу ёқларни томоша қилаётган кишини кўриб, кулимсириб қўлади. Нимадир эсига тушди шеклиди. Ҳа, айтмоқчи бундан ўн-ун беш кун илгари у худди шу уйга охириги пардоз беришда қатнашган эди. Бугун эса бу ерга одамлар кўчиб келиш-япти. Эҳтимол ана шуларни эслаб қулаётгандир. Эҳтимол, 76 ёшли отаси — моҳир қурувчи Муҳаммаданин аканинг бундан беш-олти йил олдин айтган сўзларни едига тушиб жилмажа ётгандир.

Умми, биноқорликда гап кўп. Бобон кўчат экиб, ном қолдиради. Қурувчи эса буюм қуриб, ўзига ҳайкал қуради, —

«Қурилиш» кўчасида қад кўтарган 72 квартирали уй-жой биноси ҳам ҳозир пардоз қилинмоқда. Ҳа демай бу уйларга

ТУРМУШ ТАҚОЗОСИ

ҳам айланда бошпаниш қор
қар кишилар кўчи қиришда
Озода хоналарда ёп бошлади
ёни шўх, қувноқ қўшиқлар
эшитилди. Тоҳир ака ана ш
ларни кўз-ўнгиндан ўтказди, м
йигида қули қўйди. Ўнда эди
ҳали қароқўлиқдан, ҳовит
қилиш асари қўриқ қўриқ
Назариди, ҳозир унда бахти
роқ одам лўғай эди. Ҳа, у ч
дан ҳам бахтиёр!

Бинокор учун у қурган у
ларга қулоқ қираётган одамлар
нинг юзидagi қувончини, лабид
ги табассумини қўришдан ҳа
қатта бахт борми, ахир?

У В

АН АЗИЗ

бу ердagi ишларнинг ҳаммасига
жавоб бериши зарур. Қўндонбой
бундай ишончга лойиқ бинокор.

У раҳбарлик қилаётган брига-
да ҳозир «Янгирводострой» трес-

тидаги илгор коллективлардан. Улар баъиараётган ишларнинг сифати ҳам бутун дошқармада маътовли. Азаматлар биринчи квартал тошпирини 145 процент бажаришган эди. Апрель ойн тошпирини 148 процент ода этдилди. Маъ ойда бундан ҳам юқори курастқиларга эришилди. Беш йилнинг дастлаби кунлариданоқ бригада бранси ишламода.

— Коллективнинг аъзоларидан жуда хурсандим, — дейди бригадани раъиди, — булар аъдан олдин

даф. Ушундан кийин Ғафуров қўлга
олиниб, Ботир Ғафуров бр-
гадага мен билан бирга елган.
Мен 55 та борис мойи-ю, қал-
ҳам янгиликка ўч. Биноормал
ёқинида янгиликларни ўрганиб
борамди. Бетончиликда иш-
лаётганларни қўлга олиш
ушларга тақрибларини ўргат-
моқда. Ҳозирроғи 5000 уми чун
устоим дейди. 7 июдан буён
Ботир ака билан ишлайди, ўзи
студент. Самарқанд ишхона
институтининг IV курсида ўқи-
моқда.

Бера Зобилова бригаданин

Маъналия. Мана турт наидирки, қушадбой ака билан ичкин дара, лар-каналлар қуради. В е р а Куртвелисва ва Шермат Бекмуродовларнинг гайрат-шижоати ҳақида ҳам мақтов сўзларини айтиш мумкин. Бригадир ҳар бир кишининг қалбига йўл топиш билан кўнчилиқ ўрасида ҳурмат қозони, ҳурмат-эътибор орттирган.

МУКОФОТИНГИЗ МУБОРАК!

Коллективдаги кўпчилик ишчилар унинг шогирди ҳисобланади. Шу бригадада касб-хунар ўрганиб, ўзича алоҳида коллектив тузиб кетган кишилар ҳам анчагина. Улар ҳозир областнинг турли қўшилмишида бригадир ва проаб

Фидокорона меҳнат бригада
аъзоларига катта даромад келти-
рмоқда. Бетончиларнинг ҳар бири
ойига ўртача 160-200 сўмдан ма-
ош оляпти. Яхши дам олишга ҳам
вақт топилади. Уларнинг ҳар би-
ри аҳолида бу ҳол симиқдан иш

Құндоқбой Дүйсенов бригадаси-
ни Миразачуидагилар «сүв етак-
ловчилар» дейишадиган бўлиб
қолди. Чунки улар янги иррига-

ция шохобчалари, каналлар очиш-
да ташаббус кўрсатишмоқда. Чул-
га ҳаёт келтирувчи — сув етак-
ловчиларга беш йиллик топиш-
риқларни бажаришда янги зафар-
лар тилаймиз.

В. ЛОЗОВОЙ,
Сирдарё области.

ленинча дўстлиги мадҳ этилган, пойтахтдаги нурувчиларнинг меҳнатда муваффақиятларига тилалган.

— Биз жонажон Тошкентнинг мизини янада гўзал, илгаригина ҳам ҳам бод бўлишини истаймиз. Бунинг учун жуда кўп маблаг керак, албатта. Шунинг учун ҳарбий нурувчилар отрядларида хизмат қилаётган бир гуруппа узбекистонлини йиғиб, 18 да шу заминни мизимизнинг

даг 2100 сүм пулли Тошент-
га ёрдэм фонди счига утга-
зишга зарор килдин. — деб
эздэи одий солдат Н. Мехрид-
динов ва ефрейтор Х. Кало-
нов уртоцлар.

Макутбулар мамлакатиниз-
нинг турли улга ва областла-
ридан, турли харбий цисмла-
рдан келмокта. Лекин уларда
ягона финр кизил ипен ута-
ди. Бу, солдатлар цалбда жуш

нинг уратган ватанпарварлик ҳис-
сининг туйгуларидир.

Самарқанд области, Пастдаргом районидagi «Правда» колхозининг меҳнатчилари пахтадан мўл ҳосил етиштиришга қўлмай, чорвачилик маҳсулотларини ҳам мўл-кўл қилиш учун курашни қўй сайин кучайтиришмоқдалар. Ҳозир бу ерда чорва моллар учун ет-хашак жамғариш давом этмоқда. Суратда: комплекс бригада меҳнатчилари Омон Урдасев. У пичан уришда қулиқ нормаларини сурункасига бир ярам-икки баравар бажармоқда.

Н. Зайниддинов фотоси.



ДУСТЛИГИМИЗ РАМЗИ

Ҳозирги кунларда тошкентликларнинг интизоми, дустлиги, бир-бирига оқибати, одамийлиги, инсонпарварлиги жанг майдонидagi танк экишчиларнинг дустлиги, қаҳрамонлигини эс-латида.

...Машинамиз бир эмас, бир неча марта душман замбарачи-дан, бомбасидан, самолётдан шикастланган. Танк ёнаётганда экипаж аъзолари жуда оғир аҳволда қолади. 300-400 килограмм ёнғилги алаңгаси машинани чўғди қиздиради, танкни ёриб кўриган снаряд парчалари экипаж аъзоларини ёндади, яралиди, машинадаги 30 га яқин снарядни портлатди, ҳул-лас экипаж аъзолари ўлим ҳав-фида. Танкнинг бир неча марта ёнди. Мана шу оғир аҳволда тўпчи снарядларини танк ичи-да портлаб кетмасин деб жон-жа-ди билан душман томонига отиб угутирган, танк ҳайдовчиси алаңда қолган машинани душман оқопига, пилда аскар-лар устига бостирган. Пуле-метчи дискалар бўшагунча душманин уқу тутган. Бирин-чи галда кўпчиликнинг ёна бош-лайди, алаңга бутун та-наминини ёнда бошлаганда ҳам машинани ташламасди. Фа-кат команда бўлганда ке-пингига ҳар ким ўзи юп-лар-дан чиқа бошлайди. Яралиган

экипаж аъзоларига мадад бе-риб, уларни машинадан су-д-раб олиб чиққанмиз. Бир эмас, бир неча йиллаб шундай фо-жияларнинг бошидан кечирган экишчилар аъзолари бир ота-она фарзандидек иноқ дуст яш-ди.

Пилда аскарлар, учувчилар, минчилар, миномётчилар — ҳамма-ҳамма дустлигимиз та-ни-чилар дустлигидек бўлса эди деб ороу қилинарди. Интизо-минимиз шу қадар эдики, ёниб турган танк билан бирга ёниш-дан асло қўрқмасдик. Танкчи-лардаги темир интизоми, тас-вирлаш қийин бўлган бардош-ни ҳозир Тошкент халқида кў-риб турибмиз.

Яқинда Ватан уруши қат-тишчилари ҳамда инвалидлари билан суҳбатда бўлдим.

— Ўзлар иккинчи жаҳон уруши оловиди кўп қудратлар-ни кўрдик. Алянка 8-9 балла та-нг келадиган бомба зарбини бошдан кечиравериб кечаги бўлган зилзила зарбини пилда қилмадик. Шуниси қизиқки, бомба тушаётганда кўриб ту-расан, унда ишчиликни имо-нияти бор. Ақмо ер зарби кў-га кўринамиз. Уйқумида хал-ловат йўқ. Фарзандларимиз оёқ-оёқ бўлиб деб кеча-кун-дуз тиниб биламиз. Лекин нардош халқлар, партия ва ҳу-куматимизнинг оталарга та-ҳ-лиқини кўриб, ҳозирги та-н-вишларини дафъатан унутиб ю-борасан, киши. Болаларимиз-ни амбулаторияларга олиб бо-ра-дик. Ҳозир дори-дармон, ап-тека лотоклари чодир шаҳар-ча-рини ёнда савдо қилади. Шу шаҳарчаларга тайёр овқат-лар келтирилади, болаларимиз те-ни-я ўйнашлар билан оу-ни-шапти.

Шаҳримизнинг тарихи, ў-т-миши, келажати ҳақида айтиб ў-т-рмаймиз. Тошкентни бутун дунё таниди. Шунинг учун бўлса керак, зилзила бўлган-дан кейин етти иккиминг ҳам-ма мамлакатидан ҳамдардлик билдирилган мактублар олдик.

Шаҳар бўлиб юрибмиз. Тик турган жойингизда шаҳарнинг тўрт томони кўринадиган бў-либ қолди. Эски иморатлар де-

ярли кўчириб ташланди. Кўп қаватли бинолар азалий қад-ди-ни ростлаб турибди. Шаҳар кенгайя бориб, Чирчиқ дарёси бўйларига, Сергелига ва Кали-нин районидagi «Октябрь» колхозий майдонларига, бу ёри Янгийўл шаҳрига қараб чўш-ла-пти. Тошкент курилишига барча иттифоқдош республика-лар ёрдам беришти.

Украиналик курувчилар ора-сидими Виктор Мартиненко дейди:

— Мен Киевдан келдим. Ҳар бир гиштини бир-бирига жипслаштириб эканман, кўз олдимга 1943 йил 7 ноябр — Киевни душмандан озод қилиш учун бўлган жанг ва бу жангга қатнашган тошкентлик мард-лар — ўзбеклар келди. Мен агар умр бўйи Тошкентни ку-рушга бевуш ишласам ҳам ро-зиман. Чунки менинг шахрим-ни озод қилишда тошкентлик-ларнинг ҳиссаси катта. Самар-қандлик шоёр Жумаев дейди: Тошкентда ер қимматли, деб эшитдим. Шу заҳотиёқ Тош-кентга етиб келдим. Ҳамма жой-жайда. Одатдагидек, биров иш-га кетяпти, биров бозор-чор-би-дан банд. Тўри, шаҳар ташвиш-да қолди, лекин ҳаёт тинма-ган, қайнаётди. Янги машина ол-дим, ҳозир шу машинада Тош-кент курилишида хизмат қила-ёт-тирман. Самарқанд автобаз-сига хат ёганда ҳам кейин яна 104 киши Тошкент курилиши-га етиб келди. Мана ҳозир за-вод ётоқхонасида истиқомат қилиб, янги Тошкентни қура-ёт-тирмиз.

Энгелс кўчаси бўйлаб кет-яптим. Бир нуруний мўсафла-ш-тигимиз Янгийўл билан суҳбат-ла-ш-ти:

— Мана инки ойдан ошди, ҳали шаҳарни тозаллаб бўлган-лар йўқ, техника тараққий эт-ган вақтда шу қадар суст иш-лаш мумкинми?

Куйиб-пишиб чол гапиряпти:

— Ўғлим, бу сўзингга қара-ма сен ҳеч қасрда ишлама-ган керак. Кўзи кўриш ҳам шаҳар қайта қурилатганини ни-кор этмайди-ку! Агар сен шаҳар Советининг раиси бўл-санг, зилзиладан жароҳатлан-

ган шаҳарни ҳақиқатан бир ойда қуриб бўлардингми?

Отанинг бу сўзларига йигит жавоб топиб беролмади. Ҳақи-қатан ҳам у ҳеч қасрда ишла-мас экан, ҳамма нарсга ишончсизлик билан қарайди, ўзининг йиғилга овози билан ки-шилар руҳини туширмоқчи бўлади.

Олой бозориди Николаев де-ган кимса оддий бир меҳнат-чиннинг 8 сўм пулини олиб қўй-ди. Халойик Николаевни дарров қўлга тушириш ва ми-лиция бўлимига топшириш. Қў-ли эгри инки йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Ҳа, ҳозир ҳамма янги Тош-кентни бунёд қилаётган вақт-да инкини ҳаётимизга тушун-мас экан, мана шундай қаттиқ жазава — халқ нафратига уч-райверди.

Тошкентда келиб қилаётган-лар сон кўп сайин ошмоқда. Минг эмас, ўн минг, эртага ун-дан ҳам қўлади. Юк ташит-ган машиналар ўн эмас, йигир-ма марта қатнамоқда. Шофер-ни ойлғи 100 эмас, 200 сўмдан ошиб кетди. Курувчи-лар бир гишт эмас, ўн минг гиштини кўз очиб юмгунча те-риб қўётди. Киров райони-ча-торига қарашли 52-магазин зилзила бўлган кунёқ ишдан чиқди. Кўни неча Новгород, Москва, Киев шаҳарларидан йиғма магазинлар келтирилиб, ҳозир Киров район аҳолисига 15 янги магазин хизмат қи-ла-ёт-ди. 20 мингдан ошқ киши қавртира олди.

Ўн минглаб болалар республи-камиз ва республикамиздан таш-қари жойлардаги пионер лагерига бевуш дам олиш учун қўлаб кетдилар. Артек, Мос-ква, Киев, Қирғизистон — бу-ту-та мамлакат дам олиш уйла-ри, пионер лагерлари тош-кентликларга очиб қўйди.

Демак, шаҳримиз янги ора-да қадимий ростлаб, қўй билан ў-шишди. Шаҳар аҳолиси энди баланд уйлارга лифт билан чи-қиб-тушди. Ширин-шаркар фар-зандларимиз эса зинаполларда атайлаб қасир-қуриш қилиб ю-ра-дилар, деб ишонсан, ишона-миз, албатта!

Р. ИСҲОҚОВ.

рилан фактларни текшириб кўриш-ни, амалга оширилган тадбирлар ҳа-қида редакцияни хабардор этишни илтимос қилди. Олинган жавоб хати-да бундай дейилди.

Текширишда ишчиларнинг хатида келтирилган фактлар тула тасдиқлан-ди. Советх колхозининг маданий-ма-навий хизмат кўрсатилиши яхши-лашган қаратилган тадбирлар бел-гиланди. Клуб катта мижасовани, ме-кат ахлига кино-концертлар кўрс-атилади. 2-бўлимда ҳаммом кўриш пиллаштирилди, жамоат жойлари, хонадонларни электрлаштиришга ки-ришди. Бу тадбир 1966 йилда тула амалга оширилди. Радиоусул иш-лаб турибди. Машиини хизмат кўрс-атдиган устакхоналар очилди.

ШАҲАР БОЗОРЛАРИНИ КЕЗГАНДА...

ПИШИҚЧИЛИК келди. Шу кеча-кундузда бозорларни кўрган киши ноз-неъматлар ма-қо-ни, гўзал ўлкамизнинг зум-рад боғлари, файзли далавлари-ни кезгандек бўлади. Бу ер-ларда боғлар, полизлар нафас-га гуриқраб турибди.

Мана, шаҳардаги бирик кол-хоз бозорларидан бири — Олой. Бу ерда ҳозир савдо-со-қил қизгин тус олган. Ҳар ку-ни 400 тонадан ортиқ савдо-вот сотилапти. Кунда 3 минг-га яқин сотувчи келиб кетади.

Тошкент ва овоздалик учун кураш шу кунинг асосий ва-зифаларидан биридир. Бозорда ҳам бунга алоҳида эътибор бе-рилмоқда. Сотувчилар учун ку-лай шарт шартламоқда. Яқин-да 100 ўрилли янги шийпои ишга туширилди. Сотувчилар учун оқ халатлар, тарози ула-шиляпти.

Радиоусулдан санитария қон-далари тўғрисида суҳбат ва лекциялар ўқилади. Бозорнинг тўрт томонидаги зилзиладан зар-раланган иморатлар бўзилиб, майдон тозаланмоқда. Ремон-т қилинмоқда, янги бозор корпу-си тикланмоқда. Шунга қара-май, бозорини озода тутиш та-д-бирлари қўрилмоқда. Санита-рия қондаларига яхши риоя қи-линмоқда. Врачлар, милиция ходимлари, жамоатчи активлар бозор учун курашга жалб этилган.

Мева ва савзавотлар тула прилавкаларни айланиб, инки қаватли катта корпуста ки-расиз. Бу гишт-сўт павильони, ванналар қўйилган, иссий сув бор. Маҳсулотлар музохона-да сақланмоқда. Яқинда яна 2-та «Пингвин» музохонаси келти-рилади. Барча сотувчилар оқ халат кийган. Октябрь район колхоз бозориди ҳам аҳвол ан-ча дуруст.

ПРИЛАВКАЛАР тағди ҳар хил чиқиндилар уюми, у ер-бу ерда қўлақлар... Батзи сотувчилар жазирима офтобда, очик ҳавода утириб савдо қи-лмоқда. Стол, халат етишмайди. «Госпиталь» колхоз бозориди шундай манзарани кўрасиз. Бу ерда пишиқчилик мавсумига яхши тайёргарлик қўрилмади.

Маълумки, бу йил ихтисос-лаштирилган колхоз, совхозлар-га таълим маърузалари, савдо-пол-из қилари маҳсулотларини янги айрим турлари юзасидан шу маҳсулотларни сотиш ва топшириш планлари бажарила-ди, барча маҳсулот турлари бўйича йиллик планнинг ҳужа-лида бажарилишдан қатъи назар, пландан ташқари маҳсу-лотларни сотишга руҳсат этил-ди. Бу аса шаҳар иқроия коми-тетларнинг зиммасига колхоз бозорлари хизматини анда-ах-шилиш вазифасини юклайди.

Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шу йилнинг мартда «Савзавот, по-лиз экинлари маҳсулотлари, картошка етиштиришни қўлай-тириш ва маҳсулотлар бил-лан аҳолини таъминлашни ях-шилаш юзасидан қўшимча тад-бирлар тўғрисида» махусе қа-ро-р қабул қилган эдилар. Шун-га мувофиқ, Тошкент шаҳар иқроия комитетига колхозлар томонидан савзавот, пол-из экинлари маҳсулотларини, ме-ва ва узумни колхоз бозорла-рида ва ихтисослаштирилган магазинларда пландан ташқари сотиш учун шартлиқ яхши-лаш чораларини қараб чиқиб ва амалга ошириш топширил-ди. Шунингдек, бундан йилги савдо ташкилотларига берил-ган магазин ва дўконларнинг бир қисминини колхозларга қай-тариб бериш вазифаси юк-ла-тилган эди.

Афсуски, шаҳар иқроия ко-митети бу муҳим кўрсатмани ҳам, маъмур маъмур юзасидан

«Совет Ўзбекистони» р е й д и

Ўзи қабул қилган қарорини ҳам қонқарисиз бажармоқда. Шу йил баҳорда бозорда бир неча кишидан иборат депутатлар группаси Тошкент шаҳар Со-ветининг шу йил 18 январдаги колхоз бозорларининг аҳоли, бозор хизматини янада яхши-лаш тадбирлари ҳақидаги қарорининг бажарилиши ҳамда «Госпиталь» бозорини баҳор-ги-ёзги мавсумга тайёрлаш ма-салаларини текширишди. Тек-шириш якунилари ва камчили-ларини тугатишга қаратилган конкрет тақлиф ва мулоҳаза-лар Ленин район иқроия коми-тетига топширилди. Лекин ҳо-зирга қадар райиҷроком бу масалаларда ҳеч қандай чора қў-рган йўқ. Шундан сўнг бозор маъмурияти ички резервлардан фойдаланиш ҳамда бозорни ёз-ги мавсумга тайёрлаш юза-сидан ўз тақлифларини шаҳар иқ-роия комитетига тақдим этди.

2-ҳафта ўтган, яъни 14 апрел-да шаҳар Советидан жавоб ха-ти келди. Унда қуйидагилар ёзилган:

«Савдо бозорчаси шу нар-сани маълум қиладики, бозор-да савдо тармоқларини жой-лаштириш ва кенгайтиришга қаратилган тақлифларининг би-з тез кунда қўриб чиқамиз.

Тошкент савдо бозорчаси бо-шлигининг ўринбосари М. Каспаров».

Орадан инки ойдан ортиқ вақт ўтди. Лекин ўша «тез кунлар» ҳамон етиб келмаган-га ўхшайди. Бозор ва унинг уч-филидада сотувчилар учун ку-лай шарт шартламоқда. Ма-салан, Рисова кўчасидаги фи-лидада кўнгина сотувчилар молларини ерга қўйиб сотмоқ-далар. Бу ерда жой бўлмагани учун санитария назорат стан-цияси ҳам ташкил этилмаган.

Район иқроия комитетидagi ўр-тоқлар бозорда қўлай савдо шартини яратиш ҳақидаги та-лабларга қўл салтаб, «су ер бў-зилади, ҳаракат қилишнинг хо-жаси кўп» демоқдалар. Бозор-да эса савдо давом этмоқда. Шунингдек, Шумилик шаҳар-часидаги филиалда ҳам жой йўқлиги туфайли сут-қатқ саб-завот маҳсулотлари билан бир-столга қўйиб сотилмоқда. При-лавкалар бўлмаган, деполар шувалмаган, сотувчилар стол-ларга чиқиб олшган. «Зелен-ний» филиалида сотувчилар-нинг аксарияти халат киймай савдо қилмоқда.

«Госпиталь» бозорининг ўр-тасида кўркам бино — гишт, сут корпуси жойлашган. Афсу-ски, бу кўркам бинонинг ичи иф-лос. Бу ердаги 7-магазинда то-залик-санитария қондаларига ри-оя қилинмаётди. Прилавкалар остияи қоғоз, турли чиқинди-лар бостан. Гишт чопиш хо-на-си, алянка ифлос. Бурчаклар-да бўш яшиқ, қоғоз, сотувчи-ларнинг усти киёмлари тах-лаб қўйилган. Катта музохона бўлгани ҳолда консервалар очик жойда ётибди.

— Маҳсулотни нега бундай сақлайсиз? — деб сўрадик ма-газин мудирининг ўринбосари С. И. Орловдан.

— Нима бўпти? Буларни яқинда комиссия кўрган. Фа-кат 18 банка балиқ консерва-ни «шартли бракка» чиқариш-ди, холос.

Магазинда сотувчилар халат киймай савдо қилишмоқда. Ленин райиҷиҷторгига қар-ашли 36-магазин жойлашган сут-қатқ корпусига кирган ки-шининг қўзи, прилавкаларда қак-қак оқиб турган сува тус-шад. Магазин сотувчилари «янгилик» ихтиро қилишбди.

Улар тоғорадек сариқ бўлак-ларини эриб кетишдан сақлаш мақсидида уларни очкида муз устига қўйишбди.

— Нега бундай қиласиз, бу санитария қондаларига зид-ку! Магазин мудир Л. Бикадо-рова елкасини қисиб, бундай деди:

— Бунақалигини билмабмиз. Кечирасанлар...

Ленин райиҷиҷторгининг «Зеленний» бозоридagi 55-ма-газинда ҳам ана шундай аҳ-волни кўрасиз. Магазин атро-фида турли яшиқлар тахлаб ташланган. Бу ердаги мувоҳа-да маҳсулотлар аралаш-қу-ра-лаш сақланмоқда. Масалан, қовурилган қолбаса, балиқ, хом гўшт, сир бир хонада пала-пар-тиш қўйилган.

— Бу аҳволда маҳсулот бу-зайиб қолади-ку?

— Ростданми, — дейди аяабалбин магазин мудир И. Анбаров.

— Санитария минимумияи топширганмишиз, нега билмай-сиз!

— Ҳа, эсимга тушди... БозорЛАРНИ кезганда юлчи-ларга ҳам кўзнинг тушиб қолади. Улар жон, лекин учраб туришди.

«Госпиталь» бозоридagi опер-пунктда галати юкөканинг усти-дан чиқиб қолди. 30 ёшлар-да, қирчиллама бир йигит ми-лиция ходимларидан зўр бериб кечирим сўради:

— Товба қилдим, инкинчи бу ич-ни қилмайдим. Шу сафар кечиринлар.

Маълум бўлишича, бу йигит Тошкентдаги тажриба-техника базасининг тоқари В. Ф. Имай-нин экан. У бошқа шаҳарга олиб бориб сотиш учун 150 ки-лограмм помидор олган пайти-да қўлга тушибди.

Бозорда савдо қондаларини бузувчилик, тенгитомонлик би-дан кўч кесирувчиларга қарши-чиқилиш, жамоатчилар актив курашмоқдалар. Тошкент поли-техника институтининг студен-ти Александр Смагин курсдош тиклаш учун жон куйдираётган ҳолини пайда улар билан бир савдо бўлишини истамади. У му-май пул топишни хаёл қилиб, 14 июнда бозордан 280 кило-грамм помидор олиб, Воронеж-га олиб кетётганда қўлга тушди. Халқ суди уни 15 неча-кундузга ҳукм қилди, олган моли эса мусодара қилинди. На-воий кўчасидаги 39-уйда турув-чи Маҳмуд Эҳсонов ҳам 119 килограмм помидор билан қўл-га тушиб, тегишли жазосини ол-ди. Тенгитомонларга сафимиз-да ўрин йўқ!

Бу йил Тошкент шаҳрида катта қурилиш ишлари олиб бориляпти. Қилинётган ишлар-нинг ҳамми жуда катта. Бу аса бозорларда озодликка эътибор-ни ҳар қачонгидан ҳам кучайти-ришни талаб этади. Тошкент учун, санитария қондаларига ту-ла риоя этиш учун, савдо-сотқ қондаларини бузишга қарши ку-раш бундан бевҳ ҳам янада кучайтириш керак. Токи бозор-лар боғ-роғларимиздек сўлим, файзли, тўкин-сочин, озода бўл-син!

Рейд аъзолари:

Н. ЕҲУБОВА, республика Санитария маор-фи уйининг враччи.

С. БАБАЯН, республика Санитария маор-фи уйининг ходими.

М. МАКАРОВ, Тошкент шаҳар Санитария-эпидемия станциясининг ходими.

Н. ЕҲУБОВ, «Совет Ўзбекистони» мух-бири.

Янги шеърлар

Николай КУЛИКОВ.

МЕН СЕНИ ХАЁЛ ЭТДИМ

Ям-яшил
Банорас чопида чинор,
Бурчада
Бир гулчи дўконча сўлим.
Апрелинг ёмғирли тоғида —
Жумор,

Бир дилдор
Шўх, жоду кўзларни кўрдим,
Кўз эмас,
У бир гул табассум эди.

Кулгимиз
Сўзларсиз
Битилган қўшиқ...
Шитирлар, шивирлар
Ёмғир ҳам энди
Пошанг товушига тақиллаб:
«Тик-тик-»

Юкмин ширинка бердим, —
Ёмғир

Қўйинда ширин бир
Ўйга чўлидим.
Ер узра қаерда бўлмай,
Барибир

Кўнглим сумбулим,
Тушимга кирардинг
Сахро кўнлида
Музликларда ҳам
Бўлдинг уйимда.

Ҳозирча,
Ойнадек ўлдан кетсаму
Сенга етиб
Тўйиб
Бағримга боссам.

Мен сени шундай бир хаёл
Этдим,
Лекин сен, қайдадир яшайсан
Бу дам!

Н. РАҲИМЖОНОВ таржимаси.

МУБОРАКБОД ЭТГАЛИ КЕЛДИМ

Боғимиз бағрида бир туп сада
Бор,
Белига етмайди, қўчсам
Кўлчим.

Кўнсимга боссам ҳам тақдор ва
Тақдор —
Хумордан чиқмайман, неду
Илоҳим...

Бир йигит умрини кўрган,
Навқирон,
Нақадар шифобахш қўноқ
Соси.

Отан парванодир қошида ҳар
Он,
Меҳри-муҳаббатин йўқ ниҳонси,
Нафтида кўтарар япун тўлиси,
Тутти этибон суртат нўзига,
Ногоҳон бир ноёда бежо
Булмас,

Риёзат етгандай инграур ўзига,
Юнондай азиз бу қада ниҳонли —
Баҳраманд отанининг юрди
Қурьдан.

Унинг хаёли-ю унинг исоси
Бир умр мол олан қўнғил
Турьдан.

Жангоҳга отланган чоғида анам
Ўтмаган: нуқарсин, ёлғор
Булсин, деб,
Барг эса, гул очиб ҳар йили
Қўнғил

Қўнғилга зийнату, пойдор
Булсин деб,
Анам ўтмаганди «ўс», деб
Бегубор.

Энди гош белига етмас қўлчим,
Кўнсимга боссам ҳам тақдор,
Ва тақдор,
Хумордан чиқмайман, неду
Илоҳим...

Бугун бахтли ҳаёт тоғида яна
Кўриб, муборақбод этгани
Келдим.

Согиниб меҳринга қона ва қона
Ананом, руҳинг шод ўтгани
Келдим.

Усмон ЖОНГИТОВ.

ИШЧИЛАР ТАЛАБИ БИЛАН

«Каттақўрғон» совхозини янги ва кўп тармоқли хўжалик. Бу ерда қиш-дон хўжалик маҳсулотлари йил сайин кўп етиштириляпти. Бироқ, ишчилар-га етарли маданий-манавий шарт-шартлашмаётди. Масалан, кўп ўқимчи клуб бор. Лекин кино-концертлар кўрсатилмайди. 2-бўлимда ҳаммом

йўқ, жамоат жойлари, хонадонлар электрлаштирилмаган. Маданий-ма-навий бинолар қуришга эътибор бе-рилмапти.

Совхоз ишчиларидан олинган ха-тида ана шунлар айтилган эди. Редак-ция хатин Каттақўрғон район ин-тироия комитетига юзориб, унда келти-

рилган фактларни текшириб кўриш-ни, амалга оширилган тадбирлар ҳа-қида редакцияни хабардор этишни илтимос қилди. Олинган жавоб хати-да бундай дейилди.

Текширишда ишчиларнинг хатида келтирилган фактлар тула тасдиқлан-ди. Советх колхозининг маданий-ма-навий хизмат кўрсатилиши яхши-лашган қаратилган тадбирлар бел-гиланди. Клуб катта мижасовани, ме-кат ахлига кино-концертлар кўрс-атилади. 2-бўлимда ҳаммом кўриш пиллаштирилди, жамоат жойлари, хонадонларни электрлаштиришга ки-ришди. Бу тадбир 1966 йилда тула амалга оширилди. Радиоусул иш-лаб турибди. Машиини хизмат кўрс-атдиган устакхоналар очилди.

Худди шу фактларлар асосида Ўзбекистон Фанлар академияси химия институтини томонидан иш-лаб чиқрилган алейол К-4, К-6 препаратлари тақир ерларнинг структурасини яхшилаш ва ҳосил-дорлигини оширишда, пармалаш жараёналарда фойдаланишмоқда. Ўзбекистон кимёгарлари ишлаб чиқариб бу препаратлар савдо ва қишлоқ хўжалигида юксак баҳо олди.

Ҳудди шундай саноатда ишла-тиш мумкин бўлмаган қиғитнинг қалта талаоли ва момиқлар шу вақтгача чиқрилди ҳисобланарди. Эндиликда пахта чиқиндиларини ҳам салмоқли хом ашёга айланди-риш, уларни табиий газдан оли-нувиш сирка ангидрид билан қай-та ишлаб, нозин ва чиройли аде-тат шойлар тайёрлаш имонини туғилди. Бундай сўғийи шойи ва гааламаларни маълум масвудла-нича эмас, бугун йил бўйи муттасил ишлаб чиқариш мумкин бўлади.

Кино

Тамбова сингари иттифодчиликнинг бошқа област ва шаҳарларига ҳам юборилди. 10 июлгача республикамиздан ташқаридаги лагерларга 11 мингга яқин сола жуф натилади.

Шаҳарда ва шаҳар атрофларида пионер лагерлари ташкил қилиш ишида район ижроия қомитетлари, маориф бўлими органилари ва қомсомол ташкилотлари жуда катта ташкилотчилик ишини олиб бормоқдалар. Қозир шаҳардаги ҳамма паркларида чодирли пионер лагерлари бор. Масалан Киров номи паркида 500, Тельман номи паркида 700. В. Котин номи пионер лагерига 800 сола, Абдулла Набиев, Пушкин номи паркларида, шунингдек, Островский номи ва бошқа пионер уйларида ҳам жуда кўп болалар дам оляптилар.

Келажакнинг бўлган болаларнинг ёз мавсумида намунали дам олишларини уюштиришдек муҳим ишга област қасаба союз ташкилоти бундан буён ҳам бутун эътиборини жалб қилади.

3. СОДИҚОВ,

Тошкент область қасаба союзлари советининг секретари.

ҚИШКИ БИНОДА

Мартаба — «УЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечкурун), «СПУТНИК» (тоғ соатлари).

Росалия мактаблари — «СПУТНИК» (ижфут соатлари), «ДРУЖБА» (кундуз соат 2, кеч ва 8 да), «ЧАЙКА» (кеч 8 ярим ва 10 да).

Кларнетлар садоси — «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун), «ДРУЖБА» (тоғ соатлари, кундуз соат 12, 4 ва кеч 10), САНЪАТ САРОНИ (эрталаб 11 ва кундуз 1 да), НАВОЙИ номли (кеч 10-30 минута).

Етти ачина (эрталаб соат 10 да), Жаноб 420 (кундуз ва кечкурун) — НАВОЙИ номли.

Пушқин Прагада боради (эрталаб соат 10 да), ПИТИНИНГ НАСАЛХОНАДАГИ САРГУЗУШТИ (кундуз ва кечкурун).

Алдыңшын сегизин (эрталав
соат 10 да), Париж сирларн (ку
дуз ва кечкүрүн) — «ЧАЙКА».

Итотатор киз — СОВИР РАХИ
МОВ номлн (кудуз ва кечкүрүн)

Етти азамат — «ЮЛДУЗ» (нес
соат 6 ва 8 арымда).

Том тоганинг кулбаси — САНЬ
АД САРОНИ (кудуз соат 3, кес
6-15 ва 9-15 минутла).

Биринчи троллейбус — «ДРУЖ
БА» (эрталав соат 11 да).

ЕЗГИ БИНОДА

(Кеч соат 8-45 минут ва
10 арымда)

Мартаба — «ФЕСТИВАЛЬ».

Итотатор киз — КАФАНОВ ном
ли.

Росалия мактубларн — «ХИВА».

Салом, бу — мен! — «САЛЮТ».

Урмон атамани — «БАТАН».

Темир нибок — «ЗУДАРНИК».

Бубе дайлиги — КИРОВ номли.

Жаноб 420 — НАВОЙИ номли.

Эшин туттички комедия —
«ПАХТАКОР».

Бу телба дунё — ПУШКИН ном
ли.

Бонкс ва улим — СТЕПАН РА
ЗИН номли.

Австралияли хотин излайди —
«РАКЕТА».

Ошпаз хотин — «ОҚТЕПА».

ОБ-ХАВО

Бутун кундузи республика миъининг ҳамма районлари ёнгичгарчилик бўлмади. Ҳар рат бир оз пасаяди, Фарғо водийсида момақалдирон бўлиш кутулади. Шимолги Фарғо мондан секундида 5-10 метр теликида шамол эсади, айри жойларда шамолнинг тезлиги 15 метрға етади.

Тошкентда ҳаво ўзгар турсада, ёнгичгарчилик бўлмади. Шимолги-Тарбдан секундида 5-10 метр теликида шамол эсиб турди. 31-33 даража нисқ бўлади.

«Совет Ўзбекистони»нинг ма батдаги сомни 1 июлда чиқади

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Ҳақида 7-синф ҳажмида
матбуототи, 30 ёлгача бўлган
кишилар қабул қилинади. *

Қаъбаб Ҳўйидан бўлима
кирувчилар кўнма 3 марта
белуд овнат, кўнма ва стиле
дия билан таъминланади.

Армизлар 25 нолгача қабул
қилинади. Кириш ямтҳоилари
1 августдан 20 августгача ўт-
казилнади.

Ҳўжакатлари тандим қилиш
учун адрес: Тошнент шаҳар,
Қўйилқ қишлоғи.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ ҳў-
жалиқ министрлиги коллективи
иридар қишлоқ ҳўсал-
ғини меҳанизациялаш техни-
ми директори Н. В. Қаримовга
хотини

Олияхон
КАРИМОВАНИНГ
вафот этганини муносабати
билан таъзия билдиради.